

1417402/2180

- СОН

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Мангит шаҳри.

“16” 01

2022 йил

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Коракалпақстан Республикасы филиалы номидан 2021 йил 30.12 даги № 27-01-14/6014 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи “Ўзбектелеком” АК КР филиали директори К.Таженов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Вестеренариз бераси
номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик түгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Баев Н. А. шартномасини (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишигра расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиклаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиковчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептими) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийdir. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100% (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда)

950 000 (Етти тоғ эксан лиси) сўм ни

ташкил этади.

Ушбу сумма () сўм миқдоридаги Абонент тўлови ()

миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишив/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичди ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиши ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик ҳар бир хизмат тури учун алохиди расмийлаштирилганин хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактуралда тақдим этилган хизматларнинг түлиқ календарь ойи учун умумий мөндерди күрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзди кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганинча 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Тәмөнләр жавобгарлигү

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга инебатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг узбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган таҳсилга, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилиди.

6. Алоқында шарттар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибига солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган хоада, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини куради.

6.2. Манзур Шартноманинг амал килиши даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абоненттинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор киннайди.

7. Жұмый көндалар

7.1. Үшбу Шартноманинн барча мухим шартлари Офертага мувофия белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал киласди.

7.2. Шарннома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022йил 31 декабрга кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўйича Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттире ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини элан килимаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан боиндаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептни (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганингизниң жағдаги жавобини) билдиради.

7.3. Бизбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўргасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг тасис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташаббус-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошقا ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар булий ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичига бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Унбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харефлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдира) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. Күнбү Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун бора нусхадан берилади.

8. Томонларнин манзиллари ва банк реквизитлари:

| | |
|---|---|
| <p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеқом” АҚ Кораллонгистон Республикасы филиали Амударё Гелекоммуникация тармоги Манзил: Амударё шаҳри Гурлан кучаси ракамсиз ўй Банк маълумотлари: x/r: 202 4474838393  СТИР: 200573153 МФО: 00019 ; Банк номи: "Бирозай" бўш Тел: (61) 515-3635 ; факс (61) 222 68 13 E-mail: ; Оператор KATSIIYA MAG'AMOV С.И.Абдикадиров. М.П. </p> | <p>АБОНЕНТ: <u>Вестеринарье во гербоголикини</u> <u>ривожсантирии бузичи</u> Манзил: <u>Номидат ш. Кичигдой кӯдак</u> Банк маълумотлари: x/r: 600022860352047042133250001 СТИР: 200573153 МФО: 00019 ; Банк номи: "Бирозай" бўш Тел: 503-44-51 ; E-mail: ; Абонент номидан: <u>А. Мотроғуллоев</u> Ф.И.Ш. М.П. </p> |
|---|---|

YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN HUJJATLARNINGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyhaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning Nomi: 14-7402/2180-sон telekommunikatsiya xizmatlari ko‘rsatilishi to‘g‘risida abonent shartnomasi.

“O‘zbektelekom” aksiyadorlik kompaniyasi Qoraqalpaqstan Respublikası filiali nomidan 2021 yil 30.12 dagi №27-01-14/6014 -son ishonchnoma asosida faoliyat yurituvchi “O‘zbektelekom” AK QR filiali direktori K.Tajenov (keyingi o‘rinlarda – Operator) bir tomondan va Amudaryo tumani Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bulimi nomidan Ustav (Nizom, ro‘yxatga olinganlik to‘g‘risidagi guvohnoma, ishonchnoma) asosida faoliyat yurituvchi Boshligi A.Matkarmov (keyingi o‘rinlarda – Abonent) ikkinchi tomondan (keyingi o‘rinlarda birligida - Tomonlar) telekommunikatsiya xizmatlari ko‘rsatilishi bo‘yicha quyidagilar haqida Abonent shartnomasini (keyingi o‘rinlarda – Shartnoma) tuzdilar:

Shartnomaning umumiy summasi (QQSni hisobga olgan holda) 750 000 (Yetti yuz ellik ming) so‘mni tashkil etadi.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Amudaryo tumani Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bulimi tomonidan 2022-yil 26 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Mazkur loyiha O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy - huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi №670-I-son Qonun asosida tuzilgan. Shartnoma shartlari va shartnomada nazarda tutilgan javobgarlik asoslari hamda nizolarni hal qilish tartibi O‘zbekiston Respublikasining amaldagi “Xo‘jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy - huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi №670-I-son Qonuni 21-moddasiga asosan, Qonunchilikka muvofiqligini aniqlash ekspertizaning asosini tashkil qildi.

Huquqiy ekspertiza natijasida quyidagilar aniqlandi:

1. Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjalariiga asoslangan holatda tuzilgan. Shartnoma shartlari shunday munosabatlarni tartibga soluvchi qonun hujjalari talablari me’yoriy hujjalarga javob beradi. Mazkur shartnoma O‘zbekiston Respublikasi Fuqoralik Kodeksining 703-708-moddalari bilan tartibga solinadi.

2. Shartnoma taraflarining javobgarligini belgilovchi me’yorlari va nizolarni hal qilish tartibi bilan bog’liq shartlari O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik qonun hujjalari me’yorlariga, shuningdek amaldagi boshqa qonun hujjalari bilan belgilangan talablarga to‘liq mos keladi.

3. Mazkur xulosani tuzish vaqtida tomonlarning mazkur Shartnoma talablarini bajarishga ta’sir ko‘rsatuvchi hech qanday omillar, davlat boshqaruven organining qonuniy yoki boshqa ko‘rsatmalari mavjud emas.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o’tkazish natijalariga ko‘ra,

XULOSA:

Amudaryo tumani Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bulimi tomonidan 2022-yil 26-yanvarda ishlab chiqilgan “Haq evaziga xizmat ko’rsatish shartnomasi”ning yuqorida keltirilgan asoslarga ko’ra qabul qilinishi **muvofiqligi haqida.**

**Amudaryo tumani Yuridik
xizmat ko’rsatish markazi bosh
yuriskonsul`ti 1-darajjali yurist:**



**M.G.Matyusupov
26.01.2022 yil.**